

Касимова Г.А.,

Тошкент молия институти «Пенсия иши»
кафедраси профессори

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ РИСКЛАР

КАСИМОВА Г. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ РИСКЛАР

Мақола ижтимоий рискларнинг иқтисодий фаолиятга таъсири, пенсия таъминотида ижтимоий рискларнинг аҳамияти ва моҳиятини ўрганишга бағишинланган. Мақолада рискларнинг турлари ва шакллари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш, ижтимоий рискларни бошқариш ва Пенсия жамғармаси хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: Пенсия жамғармаси, пенсия таъминоти, пенсия тизими, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий суғурта, суғурта бадаллари, даромад, назорат, инвестициялар, хавфсизлик, моливий риск, ижтимоий риск.

КАСИМОВА Г.А. БЕЗОПАСНОСТЬ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ И СОЦИАЛЬНЫЕ РИСКИ

Статья посвящена изучению влияния социальных рисков на экономическую деятельность, сущности и значения социальных рисков пенсионного обеспечения. В статье анализируются виды и формы рисков. Рассматриваются вопросы целенаправленного контроля расходов средств Пенсионного фонда, управления социальными рисками и обеспечения безопасности Пенсионного фонда в Узбекистане.

Ключевые слова: Пенсионный фонд, пенсионное обеспечение, пенсионная система, социальная защита, социальное страхование, страховые взносы, доход, контроль, инвестиции, безопасность, финансовый риск, социальный риск.

KASIMOVA G.A. SAFETY OF THE PENSION SYSTEM AND THE SOCIAL RISKS

The article is devoted to studying influence of social risks to economic activities, substance and the value of social risks in provision of pension system. In the article is analyzed types and the forms of risks. There are considered issues of Uzbekistan's Retirement fund expenditure control, management of social risks and Retirement fund's safety assurance.

Keywords: Pension fund, pension supply, pension system, social policy, insurance, insurance cost, revenue, control, investment, security, financial risk, social risk.

«Риск»ка «хавф», «зарар» ёки «талофат кўриш эҳтимоли» деб қаралади, рискни молиявий операцияларда ёмон ҳолатларнинг келиб чиқиши эҳтимоллиги деб таъкидлашади. Риск бирор-бир воқеа юз берини ва унинг мазкур ташкилот мақсадига эришишига салбий таъсир қилиши эҳтимоли билан характерланади.

Рискларни тўғри бошқаришда ташкилотнинг мақсадга эришишини бош раҳбар таъминлайди, рискларнинг нотўғри бошқарилиши ташкилотнинг инқирозга юз тувишига олиб келиши мумкин. Рисклар учун жавобгар шахсни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотнинг бош раҳбари маблағлардан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан рискларни бошқариш тизимини яратиши лозим¹.

А.П.Альгин рискнинг юзага келишини шундай изоҳлайди: рискни назарий жиҳатдан содир бўлиш жараёнини аниқлаш жуда мураккаб, чунки бу жараён, биринчидан, риск тўғрисидаги тушунчаларни умумлаштирган бўлса, иккинчидан, рискни алоҳида ўрганиш бўйича илмий изланишлар жуда кам².

«Риск» тушунчасининг фан оламига кириб келиши, ҳар қандай иқтисодий жараёнларга бевосита таъсирини ҳар хил кўринишдаги омиллар орқали аниқлаш имконини берди. Бу эса рискни иқтисодий жараёнларга бевосита таъсир қилувчи ёки даромад манбани белгилаб берувчи категория сифатида қараш зарурлигини асослади. «Ҳозирги кунгача жаҳон олимлари томонидан жуда кўплаб рискларни юзага келтирувчи омилларнинг олдини олиш, баҳолаш ва бошқариш усувлари ҳанузгача тўлиқ ишлаб чиқилмаган»³. Бу эса рискларни обьектив ва субъектив жиҳатдан янада тўлиқ ўрганишни, турли соҳаларда уларнинг функциясини белгиловчи қонун ва қоидаларни

¹ Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усувлари. Монография. – Т.: «Молия», 2006. –13-6.

² Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни. – М.: «Мысль», 2009. –С. 18.

³ Смирнова Е. Производственный риск: сущность и управление. Монография. – М., 2001. –С. 3.

янада умумлаштиришни талаб этади. Бизнес Оксфорд луғатида «риск – хавф-хатар, йўқотиш ёки зарар кўриш» деган тушунчани билдириши айтилган.

Машҳур Вебстер луғатида «риск»ка «таҳдид», «эҳтимоллик» «хавф-хатар», «фаолиятнинг вазиятли тавсифи», «имконият», «ўзгариш», «имкон», «ноаниқлик», «мавҳумлик», «оғиши», «зарар» ёки «талофат кўриш эҳтимоли» деб қаралади.

Риск назариясини ўрганишни бизнинг узоқ ўтмишимиздаги аждодларимизнинг олиб борган илмий изланишлари билан боғлаш мумкин. Ўша даврда «риск» аниқ бир жумла сифатида ишлатилмаса-да, унинг моҳиятини очиб берувчи синонимлар билан шакллантирилган.

А.Смит «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида» асарида риск ва фойда ўртасидаги ўзаро пропорционаллик тушунчасини ойдинлаштиришга ҳаракат қилган. Пропорционаллик бу фойда ва риск ўртасида жуда муҳим роль ўйновчи тушунчадир. А.Смит ёзишича, «қонун бўйича рискли ҳолатлар юқори бўлган ҳолатда даромад кичик бўлади, ўз навбатида, кутилаётган даромад даражасини кўпайтириш учун назорат усувларининг салмоғи янада ортади»⁴. Д.Шэкл ўз илмий ишларида эса рискни «бильмасдан», «кутилмаган ҳодиса» тушунчалари орқали асослашга ҳаракат қилган. Чикаго мактабининг намоёндалари «тушунмовчилик», яъни «риск» тўғрисидаги муаммоларни очиб беришда ҳам катта роль ўйнадилар. Бу мактабининг ёрқин намоёндаси Ф.Само даромад орқали юзага келадиган рискни кела-

⁴ Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations, New York, Random House. 1937. -P.26.

жакда содир бўлиши мумкин бўладиган «ноаниқлик», «тушунмовчилик» дея таърифлаган. «Ноаниқлик»нинг юзага келиши бу олинган даромад ва кутилаётган даромад даражаси билан боғлиқ бўлиб, бу ҳамиша даромадга эришишга эмас, балки ўша тескари муносабат зарар кўришга ҳам олиб келиши мумкин, деб изоҳлайди.

Операцион рисклар ижроий (давлат ижтимоий хизматларини тақдим этиш жараёни билан боғлиқ); молиявий (жамғармалар, ташкилотлар фаолиятининг бюджет маблағлари билан таъминланганлигига боғлиқ); лойиҳавий (инвестицион лойиҳа мақсадларига эришилиши, уни амалга ошириш муддатлари ва режалаштирилган сарф-харажатлар миқдорига риоя қилиниши билан боғлиқ); ижтимоий (давлат ва хусусий пенсия тизимининг сифати билан боғлиқ); технологик (давлат хизматларини тақдим этишда янги ахборот технологиялари қўлланилиши билан боғлиқ) бўлади.

Молиявий операцияларни амалга оширишда рисклар мавжуд экан, уларни ўрганиш, назорат қилиш, баҳолаш ва бошқариш доимо муҳим бўлиб қолаверади. Рискларнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши муҳим роль ўйнайди. Рус олимлари М.Курдяцов, А.Королёвнинг фикрича, «молиявий риск» – объектив катталик ёки эҳтимоллик кўрсаткичи бўлиб, ҳозирги шароитда ва келажакда белгиланган маълум вақт оралиғида иқтисодий субъектлардан йўқотилиши кутилаётган даромадни таснифлайди. Я.М.Миркин «молиявий риск» – даромадни камайтирувчи риск, деб таъриф беради. Я.С.Мелкумов рискларни молиявий операциялардан ёмон ҳолатларнинг келиб чиқиш эҳтимоллигидир, деб таъкидлайди.

Молиявий рисклар тўғрисидаги фикрларни ривожлантириш ва рискларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бериш мақсадида молиявий рискка қўйидагича таъриф берилади: «молиявий риск» деганда, молиявий

операцияларни амалга ошириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаслик, керакли имкониятлардан тўғри фойдаланмаслик; молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида кутилаётган молиявий даромаднинг бир қанча омиллар таъсири натижасида камайиш ёки ошиш эҳтимоли тушунилади.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, «risk» категорияларини аниқлаш, уларни бошқариш ва баҳолаш усуларининг яратилиши кўп соҳаларда муҳим ўзгаришларга олиб келди. «Risk» тушунчasi кўп қиррали сўзлар билан умумлашган бўлиб, ҳар бир жумла орқали ёритилганда маълум бир йўналишларни белгилаб беради. Бу эса рискларни талқин этишда турлича изоҳларни келтириб чиқаради.

Фуқаролар учун меҳнатга лаёқатсизликни ва даромадни йўқотишга олиб келадиган ижтимоий рисклар 1-расмда келтирилган.

Ижтимоий рисклар¹ бошқариш — ижтимоий омиллар ва оқибатларни ҳисобга олиш ва тартибга солишдир. Ижтимоий рисклар кишилар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдиради. Экологик, технологик, иқтисодий ҳалокатлар ва бузилишлар оқибатини ана шундай ижтимоий рисклар қаторига киритиш мумкин. Бу рисклар инсон фаолиятининг турли соҳаларида юз беради.

Ижтимоий суғурта аҳолини турли хавфхатар (risk)лардан ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланади, яъни ишдан бўшаш, меҳнатга лаёқатсизлик, даромадни йўқотиш каби хавфхатар (risk)лар йиғиндиси ҳисобланади.

Ижтимоий соҳани ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларида ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларининг вужудга келиши ва ривожланиши «ижтимоий хатар» ёки «ижтимоий риск» тушунчасини эътироф этиш билан белгиланади. Ижтимоий хатар оммавий бўлади, ижтимоий шарт-шароитлар

¹ Роик В. Экономика, финансы и право социального страхования. Институты и страховье механизмы. — М.: «Альпина Паблишер», 2012. -С. 25.

1-расм. Ижтимоий риск турлари¹.

билан белгиланадиган ва алоҳида фуқароларга боғлиқ бўлмаган ижтимоий характерни касб этади. Қуйидагилар ижтимоий рискни бошқаришнинг мұхим тамойиллари ҳисобланади:

- ҳалқ фаровонлиги даражасини ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- фуқароларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш;
- аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам кўрсатиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

● кекса кишилар, болалар, оналар, етимлар, ногиронлар, қочоқлар, ишсизлар манфаатларини ҳимоялаш.

Ватанимиз иқтисодчиларидан Қ.Х.Абдурахмонов «Меҳнат иқтисодиёти» дарслигига кишиларнинг ижтимоий ҳимояланмаганлик даражасини баҳолашда «ижтимоий хатар» тушунчасидан фойдаланади. «Ижтимоий хавф-хатар»нинг эҳтимоллик даражаси вужудга келадиган зарарни қоплаш, пенсия тизимининг мазмуни ва чегараларини белгилайди. Иш ҳақи жамиятнинг кўпчилик аъзолари учун асосий тирикчилик манбаига айланиши билан ижтимоий ҳимоясизликнинг алоҳида тури, яъни иш

¹ Тадқиқотлар жараёнида ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминотига оид ўрганилган адабиётлар асосида тайёрланди.

ҳақидан маҳрум бўлиш туфайли моддий таъминланмаганик риски вужудга келади.

Жаҳон тажрибалари асосида ижтимоий ҳимоя тизимининг тўртта асосий таркибий қисми ажратиб кўрсатилади.

1. Ижтимоий таъминот ва давлат пенсия таъминоти. Бу иқтисодий фаол аҳолининг иш жойини йўқотиш ёки пенсия ёшига етиши билан даромаддан маҳрум бўлиш хавфи (риск)дан ижтимоий ҳимоя қилиш тизими бўлиб, мажбурий ижтимоий суғурталаш шаклида амалга оширилади.

2. Меҳнатга лаёқатли бўлмаганлиги, иш жойи, даромад манбалари мавжуд эмаслиги сабабли ўз-ўзини мустақил равишда моддий жиҳатдан таъминлашга қодир бўлмаган шахслар ижтимоий муҳофаза қилинади.

3. Ихтиёрий қўшимча (касбий) суғурта. Бу алоҳида тармоқлар ва корхоналар доирасида узоқ муддатли жамoa битимлари асосида амалга оширилади.

4. Фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўз-ўзини шахсий суғурталashi асосида амалга оширилади.

Иқтисодчи Д.Р.Вахабов ўзининг илмий ишида ижтимоий суғурта ва ижтимоий рисклар масаласига тўхтаган: «ижтимоий суғурта ижтимоий-иқтисодий категория сифатида миллий даромадни қайта тақсимлаш бўйича муносабатлар тизими бўлиб, ходимлар ва иш берувчиларнинг мажбурий суғурта бадаллари ҳисобига маҳсус суғурта жамғармаларини шакллантириш ва муайян ижтимоий рискларга учраш оқибатида йўқотилган меҳнат даромадларини қоплаш учун фойдаланишдан иборат»¹. Пенсия тизимининг асосий вазифаси фуқаролар эҳтиёжини ҳамда уларнинг кексалик чоғида ҳимояланишга бўлган талабини қонди-

ришdir, деган хulosani чиқариш имконини беради².

Жаҳон тажрибасида пенсия таъминотини молиялаштириш механизмининг қуидаги турлари кўп учрайди:

1. Барча мамлакатларда кенг тарқалган бюджет даромадларидан молиялаштирилайдиган давлат ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш.

2. Ихтиёрий ва мажбурий шахсий жамғарма режаларини амалга ошириш.

3. Молиявий-иқтисодий инқизорз, инфляция, жамғармаларни йўқотиш ва пул қадрсизланишига олиб келадиган инвестицион рисклардан ҳимоя қиладиган суғурта тизимини ривожлантириш.

АҚШда давлат секторида меҳнат фаолияти тугаганидан кейин пенсионерлар учун анъанавий пенсия билан бирга пенсиядан ташқари бошқа нафақалар тизими мавжуд. Пенсиядан ташқари бошқа нафақалар тизимининг катта қисми соғлиқни сақлашга қаратилган бўлиб, у стоматологик, офтальмологик, ҳаёт суғуртаси, ногиронлик ва узоқ муддатли суғурта кафолати билан боғлиқ бўлган суғурта турларини ўз ичига олади ва булар давлат томонидан берилган субсидия маблағлари эвазига шакллантирилади. Пенсиядан ташқари бошқа нафақалар тизими фуқаронинг бандлиги, яъни унинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Бу пенсия ва бошқа нафақаларнинг муҳим характеристикасини кўрсатади.

Масалан, Пенсиядан ташқари бошқа нафақалар тизими Оғайо ишчилар соғлиғини сақлаш режаси ижтимоий тизимида мақсадли фондларнинг энг йириги ҳисобланади. Кўпгина соғломлаштириш мақсадидаги фондлар пенсия тизими орқали бошқарилади. Масалан, Оғайо ходимлари соғлиқни сақлаш режаси ижтимоий тизими Оғайо давлат ишчилар пенсия тизими билан биргаликдаги мақсадли фонд ҳисоб-

¹ Вахабов Д.Р. Ижтимоий суғуртанинг фундаментал асослари, назариялари ва ижтимоий рисклар хусусида баъзи муроҳазалар. // «Иқтисодиёт ва таълим», Т., 2010, 6-сон. -16-б.

² M.Barton Waring, C. Robert Merton. Pension Finance: Putting the Risks and Costs of Defined Benefit Plans Back Under Your Control Hardcover – November 1, 2011. -P.91.

ланади. Огайо ходимлар соғлиқни сақлаш режаси ижтимоий тизими (РНСР)нинг молмулки пенсия тизимининг молмулкидан инвестиция мақсадлари учун биргаликда сафарбар бўленишига қарамасдан алоҳида бўлади. Пенсиядан ташқари бошқа нафақалар тизимини қайта молиялаштириш пенсионерларни юқори рисқдан сақлайди. Тизимга хизмат қилувчи мақсадли фонд облигациясининг рисклилиги инвестиция ва вақт рисклилиги бўлиб, бу пенсия рисклилигига ўхшаб кетади¹.

Аҳолининг қаришида иқтисодий, молиявий, ижтимоий натижалар орасида сиёсий омиллар охирги ўринни эгалламайди. Пенсионерлар аҳолининг катта қисмини ташкил этмоқда, ишлаётган аҳоли қатлами эса камаймоқда, пенсионерларнинг сиёсий кучи эса ошмоқда. Хорижий мамлакатларнинг пенсия тизимларида тўловлар бўйича тақчиллик характерлидир. Бу кўрсаткич эса дунёда мавжуд пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлиги ҳамда самарадорлигига таъсир кўрсатади. Молиявий стресс, пенсия тизимлари бошидан кечираётган, жиддий макроиқтисодий ҳамда тузилмавий рискларга олиб келади.

Хорижий давлатларда жамият аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун аниқ мақсадни кўзланган чора-тадбирлар ва воситаларнинг бутун тизими ишлаб чиқилди. Ана шу чора-тадбирларни амалга ошириш бозор тараққиётининг одат тусига кирмаган хусусияти туфайли келиб чиқадиган муаммоларни йўқотишга ёрдам бериши керак. Шу билан бирга иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви шарт-шароитида ижтимоий сиёсат аҳолида боқимандалик кайфиятини енгишга, бозор шароитида зарур бўлган тадбиркорлик имкониятларини кўрсатишга қаратилиши керак.

Масалан, Швеция давлат томонидан ижтимоий таъминот харажатларига ажратил-

¹ Jun Peng. State and Local Pension Fund Management –USA.: «Auerbach Publications». 2008. –P. 220.

ган маблағларнинг ЯИМдаги улуши 42%дан юқори бўлган мамлакатdir. Пенсиялар (қариллик, хизмат йиллари учун, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотганлик ҳодисаси учун пенсиялар) ва нафақалар (уй-жойга, таълим олишга, ишсизлик бўйича нафақа) ижтимоий таъминотнинг муҳим турларидан ҳисобланади. Оддий швецияликнинг пенсия таъминоти даражаси пенсияга кетгандан кейин турмуш тарзини тубдан ўзгартирумаслик имконини беради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, швед моделининг мөҳиятини актив ва пассив ижтимоий сиёсат белгилайди. Швед моделида тўлиқ бандлик ва аҳоли даромадлари ўртасида фарқларнинг камлиги фаол сиёсатнинг асосини ташкил этади. Швецияда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, иш билан таъминлаш, жамоат ишларига жалб қилиш каби фаол тадбирлар кишиларнинг ўз иш ўрнини топиши ва сақлаши учун имконият яратади. Аҳолининг озгина қисми даромадини йўқотганлиги учун нафақа олади, булар ижтимоий сиёсатнинг пассив тадбирлари ҳисобланади. Швециянинг меҳнат бозорида фаол сиёсат юритилади. Шу боис меҳнат бозоридаги сиёсат бўш иш ўринларини ишсизлар билан тўлдиришга кўмаклашиши керак, ишсизларга фақат нафақалар бериб боришдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим, деб ҳисобланади.

Хорижий давлатларда пенсиялар миқдорини ҳар бир ишчининг меҳнат ҳиссасига имкон қадар узвий боғлашга ҳаракат қилинди ва бу мақсадда пенсиялар ҳисоблаш тартиби ўзгартирилди. Пенсия тизими асосий ижтимоий вазифасини, яъни меҳнат қилишга лаёқатсизлик сабабли йўқотилган даромад миқдорини мақбул даражагача тиклаш йўли билан муҳтоҷликни камайтириш ва қашшоқликнинг олдини олиш вазифасини бажармоқда.

Кўпинча ҳукуматнинг пенсия миқдорини оширишга қаратилган қарорлари ёки пенсия ислоҳотларининг асосини ўзгартириш устувор туради. Масалан, Польшада Сейм иқтисод ва молия/экономика и финансы 2016, 11

кончилари учун давлат пенсия фондидан имтиёзли пенсия тайинлаш ва муддатидан аввал пенсияга чиқиш вақтини 2012 йилга сурин талабини илгари сурди. Бу ҳолда зарур миқдордаги меҳнат стажига эга 800 мингдан ортиқ киши муддатидан олдин пенсия олиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлади. Бироқ ижтимоий фондлардан тўланадиган пенсияга бундай тузатишнинг киритилиши пенсия тўловлари миқдорининг кескин ортиб кетишига олиб келади ва Польша пенсия тизимининг барқарорлигига таъсир қиласди.

Бошқа мисол. Масалан, XX аср охирларига келиб, Европа Иттифоқига аъзо бўлган Греция, Испания, Португалия ва Италия каби давлатларда пенсия тўловларининг ўртача миқдори пенсионерлар ишлаб турган даврдаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг 80-90 фоизини ташкил этди. Бундай ҳолатда миллий пенсия фондларида йиғилган маблағлар шу каби катта миқдордаги харажатлар учун ишлатилди.

Риск вазияти билан боғлиқ қарор қабул қилиш жараёнининг таҳлили ва шундай вазият юзасидан амалга оширилган назорат рискларни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Риск вазиятини баҳолаш ва бошқаришга қўйидагилар таъсир этади: сиёсий сабаблар, манфаатлар, қадриятлар, аъзолари тегишли қарор қабул қиласиган у ёки бу гуруҳнинг ижтимоий мавқеи (риск экспертилари, маҳсус давлат хизмати ва ташкилотларининг вакиллари, пенсия таъминоти жамғармалари ходимлари).

Ижтимоий риск муаммоларини ҳал қилишда ижтимоий рискнинг мумкинлиги ва унга йўл қўйилиши, мақбулларини кишиларнинг қабул қилиши ва баҳолаши, ижтимоий механизмларини ҳисобга олиши муҳимдир. Бундай баҳолаш инсоннинг у ёки бу риск вазиятини бошқариш учун масъул бўлган институтлар ва ташкилотларга ишонч даражасига боғлиқ, деб ҳисобланади. Риск вазиятига мослашиш

омиллари аҳоли турли гуруҳларида турличадир.

Рискларнинг ушбу категорияси ташкилот мақсадлари, стратегияси ва режалаштирилиши қандай ташкил қилинганлиги билан боғлиқ. Рисклар ташкилотнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ташкилот доирасида қўллаб-қувватланадиган турли жараёнлар билан боғлиқ рисклар мавжуд, бу – меҳнат ресурслари, ахборот технологиялари хавфсизлиги, ижтимоий рисклар, молиявий ресурсларни тўғри бошқариш риски. Рисклар ташкилотнинг асосий фаолияти билан боғлиқ.

Ижтимоий сектордаги рискларни бошқариш соҳаси давлат ижтимоий хизматларини тақдим этиш ва уларни кўзда тутилган даражада ушлаб туришга таъсир қилувчи таҳдидлар ва эҳтимолларни ўз ичига қамраб олади. Рискларни бошқариш давлат бошқаруви сектори учун умумий кўламда бўлган давлат хизматларини тақдим этиш йўли билан ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда ташкилотнинг вазифасини аниқластиришдан бошланади. Шакллантирилган вазифадан келиб чиқсан ҳолда ташкилотлар раҳбарлари қўйидагиларни амалга ошириши лозим: ташкилотлар фаолиятининг стратегик мақсадларини белгилаш; уларга эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш; ташкилотларнинг барча бўлинмалари олдига қўйилган мақсадлар ва улар билан муштарак вазифалар билан боғланган тизимни шакллантириш; ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ходимлар олиб бориши лозим бўлган операцияларни аниқлаш.

Рискли муҳит – ташкилотларнинг жами ходимлари томонидан рискни англаш даражасини белгилаб берувчи юқори лавозимли шахслар, бошқа раҳбарлар ва қатор давлат хизматчиларининг рискларни бошқариш тизимига умумий муносабатидир. Ушбу омил бюджет ташкилотларида рискларни бошқаришнинг қолган омиллари учун пойдевор ҳисобланади. Интизом ва

тузилмавий бўлинмалар фаолияти тартибли ташкил қилинишини таъминлайди. У қуийдагиларни ўз ичига олади:

- рискларни бошқаришга жавобгар шахс (ташкилот раҳбарлари ҳисобланади);
- ташкилотларнинг рискка мойиллигини аниқлаш;
- ташкилотларда жамоавий бошқарув органи томонидан амалга оширилаётган рискларни бошқариш устидан назорат;
- барча раҳбарлар ва ходимлар ҳалоллиги ва улар томонидан давлат хизматчиларининг аҳлоқ қоидаларига риоя қилиниши;
- ташкилотларнинг барча ходимлари билим ва кўнгималарининг юқори даражаси;
- ташкилотлар раҳбарларининг турли бўғиндаги давлат хизматчилари ўртасида ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш тизими.

Ташкилотларнинг рискка мойиллиги рискли муҳит доирасида асосий тушунча ҳисобланади, яъни манфаатдор истеъмолчиларга давлат хизматлари тақдим этиш жараёнида ташкилот қабул қилишга (ўз зиммасига олишга) тайёр қониқарли моддий заарардир. Рискка мойиллик миқдорий ва сифат жиҳатидан аниқланиши мумкин. Айнан шу мақсадда, энг аввало, республикамида истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларни ишончли ҳимоялаш, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга кенг жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Пенсия таъминоти соҳаси фаолиятини техник модернизация қилиш асосида, республикамида пенсионер ва ногиронларни манзилли ҳимоя қилиш, шунингдек, бу қатлам вакилларига қаратилган ижтимоий хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, пенсия ва нафақаларни тайинлашда, аввалимбор, инсон омилиниң салбий ролини чеклаш Пенсия жамғармаси ўз

олдига қўйған устувор вазифалар ҳисобланади.

Пенсия таъминотида унификациялашган электрон маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида «Фидо бизнес» МЧЖ билан ҳамкорликда «Пенсия» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди ҳамда бугунги кунда ушбу дастурий таъминот республиканинг барча минтақаларида татбиқ этилмоқда. Ушбу дастурий таъминотнинг амалиётда кенг жорий этилиши, соҳада самарадорликни ошириш, тезкор ва аниқ ҳисботлар шакллантириш, пенсия тайинланиши ва тўланишида инсон омилиниң салбий таъсирини камайтириш орқали Жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тезкор назоратни таъминлашга хизмат қилмоқда. Мазкур дастурнинг идоралараро интеграллашуви сифатида бошқа вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашинуви ташкил этилди. Масалан, Давлат статистика қўмитаси дастури: корхоналар тўғрисида маълумотлар олиш ҳамда ойлик, чораклик ва йиллик ҳисботларни электрон тарзда юбориш. Дастурнинг қўшимча жозибадор таърифи сифатида унинг яқин келажакда электрон маълумот сервис хизматини амалга ошира олишини қайд этиш лозим. Жамғарма даромадларининг барча турдаги манбаларини тўлиқ шакллантиришда аниқ таҳлилий ҳисботларга ва тезкор маълумотларга эга бўлишни таъминлайди, шу мақсадда тизим замонавий ахборот технологиялари талабларига мувофиқ техник қуроллантирилди.

«Ҳеч ажабланарли жойи йўқ-ки, бугунги кунда аксарият пенсия фондларининг ҳолати жуда ёмон, тўғрироғи, инқирозга учраш даражасига келди. Давлат мажбурий пенсия фондлари бюджетларида тақчиллик юзага келди ва тақчилликнинг ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда, лекин жуда кўп

ёлғон ваъдаларга ишониб, пенсионерда инвестор сифатида узоқ муддатли вақт давомида кутилган инвестиция қайтимини оламан, деган фикр сақланиб қолмоқда»¹. Иқтисодчилар Е.Ф.Жукова, С.И.Лукаш ва М.И.Глария рискни «хавф», «йўқотиш» деб изоҳлашга ҳаракат қилган. Уларнинг фикрича, «риск» мураккаб тушунча бўлиб, у инвесторни пул топиши ёки пулини йўқотиши билан боғлиқ бўлган тушунча, деб изоҳлайдилар. Шунга асосан инсон фаолиятининг риск билан боғлиқ бўлган ҳар қандай шароитда ҳар хил ёмон ҳодисаларнинг юзага келиши муқаррардир.

Германияда бюджет ташкилотларида рискларни бошқаришнинг халқаро стандартларини жорий қилиш учун Германия Ички ишлар вазирлиги «Ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш ва кадр ресурсларига эҳтиёжларни ҳисоблаш бўйича Йўриқнома»га ушбу масалага бағишинланган маҳсус боб киритди. Мазкур бобда халқаро стандартларга асосланган рискларни бошқариш жараёнининг моҳияти ва унинг омиллари ҳақида характеристика берилган. Германия тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон пенсия таъминотида рискларини бошқаришда қўйидаги тартиби қўллаш лозим:

- Пенсия жамғармаси фаолияти билан боғлиқ рисклар таснифини ишлаб чиқиш;
- рискларни бошқариш реестрини тузиш;
- рискларни баҳолаш алгоритмини яратиш;
- рискларга таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Республикамизда «... кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, муҳтарам фахрийларимиз ҳаётига дахлдор муаммоларни

ҳал этишга алоҳида аҳамият қаратилади»². Мамлакатда давлат пенсия тизимини бошқариш, қонунчилик базасини такомиллаштириш, ҳисоб-китобларни олиб бориш, бадалларни йиғиш ва пенсия тўловларини амалга ошириш бўйича давлат молиявий назорати янада кучайтирилади. Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти учун ходимлардан ундириладиган бадалнинг ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдорида белгиланиши ва келгусида унинг миқдорини ошириб бориш имкониятидан келиб чиқиб, инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, молиявий воситаларга жойлаштиришни кўпайтириш таклиф этилади. Давлат ва шахсий жамғарib бориладиган пенсия тўловлари суммалари ўртасидаги фарқни қисқартириш, фуқароларни жамғармага тўлаган бадалларига боғлиқлигини ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, Пенсия жамғармасининг молиявий фаолиятини инвестицион кўринишда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Пенсия жамғармаси молия бозорида инвестор сифатида қатнашиши мумкин. Пенсия жамғармаси инвестиция фаолияти билан шуғулланишда қимматли қоғозлар бозоридаги ҳолатни таҳлил қилиш керак. Мамлакатимизда кузатилаётган макроқтисодий ўсиш ва қимматли қоғозлар бозорида эришилаётган ютуқларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишда корреляцион таҳлилдан фойдаланиш мумкин. Жамғарма пенсия таъминоти тизимида маблағларни банк депозитлари, давлат ва корпоратив қимматли қоғозларига инвестиция қилиши мумкин, аммо бу жараёнда Пенсия жамғар-

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Йслом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишинланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси-даги маъруzasи. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

¹ M. Barton Waring, C. Robert Merton. Pension Finance: Putting the Risks and Costs of Defined Benefit Plans Back Under Your Control Hardcover – November 1. 2011. -P.9.

маси маблағлари аҳоли маблағларидан тўплланганилиги туфайли молия бозорида мавжуд рискларга эътиборни қаратиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш зарурлиги, тизимни модернизациялашни талаб этади. Давлат ва нодавлат пенсия таъминоти стратегиясини ишлаб чиқиш ижтимоий рискларни камайтиришни эътиборга олиниши билан характерланади.

Жаҳон иқтисодиёти интеграциялашуви жараёни мамлакатимизда ҳам пенсия тизи-

мини бошқаришни доимий тарзда такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Ҳозирги кунда пенсия таъминотида ғазначилик хизматидан кенг фойдаланиш ва пенсия амалиётида шу асосда туб ўзгаришларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, республикамизда пенсия таъминотида рискларни бошқариш учун зарур ҳуқуқий, дастурий ва услубий базани шакллантириш ҳамда ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган тадбирларни ишлаб чиқиш керак.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.
2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: «Меҳнат», 2013. -418-б.
3. Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни. – М.: «Мысль», 2009.
4. Грачева М.В. Управление рисками в государственных ведомствах и опыт Германии. // «Финансы», М., 2012, №1. –С. 66.
5. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуслари. Монография. – Т.: «Молия», 2006. -135-б.
6. Смирнова Е. Производственный риск: сущность и управление. Монография. – М., 2001.
7. Роик В. Экономика, финансы и право социального страхования. Институты и страховые механизмы. – М.: «Альпина Паблишер», 2008. -С. 25.
8. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations, New York, Random House. 1937.
9. Barton M.Waring, C. Robert C.Merton. Pension Finance: Putting the Risks and Costs of Defined Benefit Plans Back Under Your Control Hardcover. 2011.
10. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management –USA.: «Auerbach Publications». 2008.